

## **XVII АСРДА ҲИНДИСТОНДА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ФОЯЛАРИНИНГ ЁЙИЛИШИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МАНБАЛАРИ**

**Алишер Шавкатович РАЖАБОВ**

Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Бухоро давлат педагогика институти

Бухоро, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада Ҳиндистонда тариқатларнинг пайдо бўлиши, ислом дини ёйилиши билан тасаввупнинг маънавий ҳаётга таъсири ҳамда унинг кишиларни ҳалолликка, маънавий маҳдудликдан чиқаришга, жамиятдаги мавжуд иллатлардан халос этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** Накшбандия тариқати, Ҳиндистон, Шихобуддин Оламаро, тасаввуп.

## **РАСПРОСТРАНЕНИЕ В XVII ВЕКЕ В ИНДИИ ИДЕЙ УЧЕНИЯ НАҚШБАНДИЯ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИХ ИЗУЧЕНИЯ**

**Алишер Шавкатович РАЖАБОВ**

Доктор философии (PhD) по философским наукам

Бухарский государственный педагогический институт

Бухара, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье речь идет о влиянии суфизма на духовную жизнь Индии, проникновении ислама, возникновении учений, о важном значении приведения людей к честности, освобождении их от духовных ограничений, от существующих в обществе пороков.

**Ключевые слова:** учение Накшбандия, Индия, Шихобуддин Оламаро, суфизм.

XVII–XVIII асрларда Ҳиндистонда ижтимоий-тарихий вазият, маънавий, маданий ҳаёт, ҳинд–мусулмон жамиятидаги турли тариқатлар ва таълимотлар таъсирида шаклланган. Хусусан, тасаввупнинг маънавий ҳаётга таъсири, ислом динининг кириб келиши, тариқатларнинг пайдо бўлиши кишиларни ҳалоликка, маънавий маҳдудликдан чиқаришга, жамиятда мавжуд иллатлардан халос этишда муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга, Жанубий Осиё минтақасига нақшбандиянинг ёйилиши

тасаввүфнинг Ҳиндистондаги маданий-маънавий жараёнларга таъсир кўрсатган.

Нақшбандия тариқати ўрта асрлардан бошлиб дунё халқларининг маънавий ҳаётига кириб борди ва ривожланди. Нақшбандия тариқати намояндлари Баҳоуддин Нақшбанд ва ушбу тариқат асосчиларининг инсонга оид ғоялари асрлар давомида инсонпарварликни, ижтимоий-маданий ҳаётга ўз ижобий таъсирини ўтказган. Ислом динининг эзгу ғоялари тасаввүф сабаб кишилар ҳаёт тарзига сингиб борди, жумладан ҳинд-мусулмон маънавий ҳаётининг ўзгариши, маънавий тараққиётига Нақшбандия тариқати беқиёс хизмат қилиш билан бирга, бу ўлкаларда халқларни ягона мақсад атрофида жипслаштиришга, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик алоқаларининг мустаҳкамланишига замин яратган.

Ушбу бобда Мирбобо Нақшбандий мероси ҳинд-мусулмон жамиятида ўзига хос тарзда даврнинг ижтимоий-иктисодий, тарихий-маданий муҳитида шаклланган дунёқараш маҳсули сифатида Нақшбандия тариқати ғоялари таъсири, уларнинг тарғиботи, маънавий муҳитга муносабати нуқтаи назаридан ўрганилган. Шунингдек, ҳинд-мусулмон жамиятида тасаввүфнинг тарқалиши, ҳинд халқлари диний эътиқоди, мавжуд турли оқимлар, анъаналар билан ўзаро таъсири таҳлил этилган.

Ислом дини Ҳиндистонга VII асрда кириб келган даврда бу ерда буддизм, ҳиндуизм, мистик хатти-ҳаракатлар, анъаналар мавжуд эди. Бу эса, сўфийликнинг турли ғоялар, қарашларнинг ҳинклар онгида кенг тарқалишига ёрдам берди. Ҳинд тупроғида исломга нисбатан оддий авом ичида қизиқиши уйғонишида энг аввало, сўфийларнинг хизмати катта бўлган.

Ҳинд тасаввүфи тарихи таҳминан VIII асрда араб савдогарлари билан бирга қелган сўфийлар ташрифи билан бошланган бўлса-да, лекин уларнинг бу диёрда қўним топишлари ва асосий намояндалари манбаларда турлича талқин этилганлиги ҳамда тасаввүфнинг ушбу ўлкага кириб келиши ҳақида тадқиқотчи олимлар аниқ бир умумий тўхтамга келмаганлар.

Ҳиндистонда тасаввуф таълимотининг тарқалиши тарихи ҳақида қўйидаги талқинлар мавжуд:

1. Арабларнинг савдо-тижорат сафарлари ва уларнинг илк Ҳиндистонга юриш даври.
2. XIII асрдан сўфийларнинг Ҳиндистон, Кичик Осиёга кўчиш даври.
3. Тасаввуфнинг ҳинд адабиётига кучли таъсир кўрсатган XIII–XIV асрлар оралиги даври [4;190].

Дастлаб араблар ёки Ўрта Осиёлик савдогарлар билан Ҳиндистонга келган айrim сўфийлардан ташқари, расман Ажмирда ўз фаолиятини бошлаган биринчи энг йирик жамоа “Чиштия сулуки” [3;158–159]., манбаларда келтирилади. Шиҳобуддин Оламаронинг “Масоликул абсор” асарида XIV асрларда Дехли ва унинг атрофларида икки мингга яқин хонақоҳлар бўлганлиги [1;120] қайд этилади.

Тасаввуф намояндалари ўз фаолияти давомида, шогирд ва муридларига наъмуна бўла олиш билан биргаликда, бевосита Қуръони карим ва суннага мувофиқ иш олиб бориши ҳақида тўхталиб ўтамиз. “Наҳл” сурасидаги 128-оятнинг “... албатта, Аллоҳ тақводорлар ва яхши амал қилувчилар тарафидадир” [2;188] қисмига асосланган ҳолда Аллоҳнинг бандаларини сабр ва чиройли, эзгу амалларни бажаришларига даъват қилишга ҳаракат қилганлар. Бу даврларда ҳинд–мусулмон маънавий ҳаётининг юксакликка эришувига тасаввуф тариқатлари бекиёс хизмат қилиши билан бирга, халқни ягона мақсад атрофида жипслаштиришга, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик алоқаларининг мустаҳкамланишига замин яратган. Чунки мазкур тариқатда ислом шариати мезонлари бузилишига йўл қўйилмай, чин инсоний фазилатлар улуғланганлигини айтиш мумкин. Ҳинд–мусулмон тарихида тасаввуф ва тариқатларнинг аҳамияти Хожа Мухийиддин Чиштий, Қутбиддин Баҳтиёр Какий, Бобо Фариддин Ғанжи Шекар, Низомиддин Олия ва ниҳоят, Шайх Носириддин Черад Дехлавий раҳбарлик қилган ва бошқарган давр билан боғлиқ, деб қаралади.

Хиндистонда ўзининг 332 йиллик тарихига эга Бобурийларнинг ислом дини ва тасаввуф тариқатлари ривожидаги хизмати катта бўлди, дейиш мумкин.

Бобурийлар сулоласи асосчиси Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг ворислари ҳам тариқат намояндадалирига ҳурмат билан муносабат билдирганликлари бир қатор тарихий манбаларда ўз ифодасини топган. Бобурнинг давлат арбоби ва билимдон сиёсатчиларга хос хусусиятлари Шимолий Хиндистон шароитида ҳиндуларга нисбатан диний мухолифатдан воз кечиши каби нозик масалага тўғри ёндашишда ҳал қилувчи рол ўйнади. Бу тадбир натижаси сиёсий барқарорлик ва феодал даромаднинг икки асосий қисми, яъни савдо ва ҳунармандчиликни ривожлантириб, қишлоқ хўжалигининг яна тикланишига олиб келди. Шаҳарларда ободончилик, таъмиглаш, боғи-роғлар барпо этиш ва экинзор ерларда сугориш ишларининг йўлга кўйилиши, Самбҳал ва Аграда масжиду мадрасаларнинг қурилиши, Бобурнинг ўз давлатида амалга оширган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларининг илк куртаклари эди. Кўпчилик тарихчилар фикрига кўра, Бобур диний эътиқоди кучли шахс сифатида, хурофотга қарши бўлган ва Хиндистондаги фаолияти давомида диний жаҳолатпарастликка йўл кўймаган.

Л.Шарма Бобурнинг бағрикенглик маданиятини изоҳлашда яна бир хинд тарихчиси Р.Трипатининг фикрини ҳам келтириб ўтади. Жумладан: “...бобурийлар сулоласининг фаолияти унинг ҳарбий қудрати туфайлигина эмас, балки ўз сиёсатида диний эътиқод эркинлигини амалга оширгани ва маданий ҳаётга катта ҳисса қўшганлиги туфайлидир”.

Бобурийлар сулоласи Хиндистондаги мавжуд тариқатлардан тариқат авлиёларига алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Мазқур тариқат намояндадалири шарафига, жумладан, Ҳумоюн Ажмирда улкан дарвоза, Акбар Фотиҳпур Секрида мақбара қурдирган. Бобур эса Шайх Яхё Чиштий ва унинг ўғли Шарафуддин Манерий Чиштийни зикр қилганлигини келтириш мумкин.

XVII аср охири XVIII асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистонда сўфий таълимотининг ривожига буюк форсийзабон шоир ва мутафаккирлардан Абул Файз Файзий ва Абдулқодир Бедиллар улкан ҳисса қўшган. Акбар Ҳиндистондаги йирик диний таълимотларнинг ўз ички сиёсатига хизмат қилиши учун унинг инсонпарварлик жиҳатларини янги дин – “Дини илоҳий”сида уйғулаштириб, ундаги “Тангри барчага баробар” тамойилини мусулмон ва ҳинд дин пешволарининг мутаассиблик кайфиятига қарши қўйди. Бу янги дин учун Акбаршоҳ маҳсус сарой ҳам қурдирган бўлиб, унда барча дин вакиллари тўпланиб, муқаддас китоблардаги муштарак ғоялар ҳақида дўстона баҳс ва мунозаралар олиб борганлар.

Бобур Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳалқлари ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларни, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдек муҳим ҳалқаро ишларда сезиларли даражада ижобий фаолият олиб борган буюк инсондир.

XVII–XVIII асрларда Ҳиндистонда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият юзага келган. Бу даврда шахсияти ва дунёқарали турлича бўлган шаҳзодалар ўртасидаги келишмовчиликлар сабабли “ҳинд–мусулмон маданияти”га хос бўлган анъаналардан чекинганликлари, ғайридинларга нисбатан ички ва ташқи сиёsatдаги муносабатлари мамлакатда кўплаб норозиликларни келтириб чиқараётган эди. Доро Шукуҳнинг нисбатан диний бағрикенглик руҳида тарибяланган шахзода сифатида таҳтга чиқиши ҳинд эътиқодидаги фуқаролар томонидан қўллаб-куватланган. Аврангзебнинг Ҳиндистонда ислом тарғиботини бу ишга бел боғлаган диний арбоблар ва улар таъсиридаги кишилар ҳимоя қилдилар. Шоҳ Шужони шиа мазҳабига мансуб жамоалар, Муродбахшни ўз қариндош-уруғлари қўллашга интиларди. Ҳали оталари тирик пайтда Шоҳ Шужо Бенгалияда, Муродбахш Гужоротда ўзларини шоҳ деб эълон қилдилар. Шоҳ Жаҳон расман таҳт ворислигига Доро Шукуҳни тайин қилганди. Бундай вазиятда жамиятда мавжуд турли диний қарашлар, эътиқод шакллари ҳам бир-бирига ўзаро таъсир қилар эди.

Аврангзебнинг салкам эллик йиллик хукмронлиги даврида мамлакатда шариат ҳаром қилган майпарамстлик, гиёхвандлик, қимор ўйнаш каби ишларга чек қўйилди Унинг хукмронлигидан олдин урф бўлган зарб қилинажак танга пулларга Қуръони карим оятларини ўйиб ёзиш одатидан воз кечилди. Фаҳш ишларнинг олдини олиш мақсадида эрсиз аёлларга эрга тегиш, акс ҳолда мамлакат худудидан чиқиб кетиш талаби қўйилди. Саройда ғайридинларнинг ҳозиргача нишонланиб келинган турли маросимларини, шу жумладан ҳукмдорнинг туғилган кунини тантана қилишни ўтказишга барҳам берилди.

Бобурий подшоҳ Аврангзеб Оламгирнинг тўлиқ исми Абу Музaffer Муҳийиддин Муҳаммад бўлиб, Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳал бегимнинг ўғли бўлган. Тахтга ўтирган 1658 йилнинг ёзида ўзини бобурийлар салтанатининг подшоҳи Абул Музaffer Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир Подшоҳи Гозий деб эълон қиласди. У хукмронлик қилган даврларда давлатчилик ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида йирик ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга ошиди. Илм-фан, маданият, ҳарбий соҳа, иқтисодиёт билан биргаликда ислом динининг ажралмас бир қисмига айланган тасаввуф ва тариқатлар ривожланди.

Аврангзеб тахтни эгаллаган пайтда мамлакатда тинимсиз қўзғолонлар бўлаётган ва давлат асослари заифлашган эди. У давлатни сақлаб қолиш учун қўзғолонларни бостириш ва қўлдан чиқкан ҳудудларни қайта қўлга киритиш мақсадида тинимсиз жанглар қилишга мажбур бўлди. Бунинг учун у қўшин сонини 170 мингтага етказди. Қўшинга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи кучлар билан унинг қўшини бир неча юз мингга борди. Бу, ўз навбатида, катта миқдордаги хазинани талаб қиласди. Хазинани тўлдириш учун янги солик ва йиғимларни жорий қилишга тўғри келди.

Аврангзеб бошқарувдаги ўзига хос сиёsat масжид ва мадрасалар, хонақоҳларни таъмирлаш, янгиларини қуриш ислом тарғиботини кучайтиришга хизмат қиласди. Бироқ, унинг ғайридинларнинг бутхоналари ва мактабларини таъмирлаш, янгиларини қуришни тўхтатиб қўйиши турли

норозиликларга ҳам сабаб бўлди. Шу билан бирга 1679 йилдан бошлаб мусулмон бўлмаган ҳиндлардан жизя (мусулмон мамлакат ҳимоясида яшаётган номусулмонлардан олинадиган жон солиғи) ундириш, уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилгандари учун қўшимча солиқ тўлашлари тартиби жорий қилинди.

Мусулмон савдогарлардан тижорат молининг беш фоизи миқдорида олинадиган солиқ бекор қилингани ҳолда ғайридин савдогарлар учун бу солиқ тури сақланиб қолди. Солиқ, закот йиғувчи идораларда мусулмон бўлмаган кишиларнинг ишлаши тақиқлаб қўйилди. 1688 йилдан бошлаб эса мансабдор ғайридинларнинг тахтиравонда ва чиройли отларда юришлари тақиқланди. Аврангзебнинг бу сиёсати бошқа дин вакилларининг ҳақ-хуқуқларини камситиш эмас, балки маҳаллий ҳиндларни мусулмон бўлишга ундаш тартибларидан бири эди. Шунингдек, ислом динига ўтиш истагини билдирган ҳиндларга катта лавозимлар, катта миқдордаги пул, ер-мулк, нафақа ва имтиёзлар бериларди. Ҳукмдорлар давлатни бошқаришда дин олимлари ва арбобларига таянган ҳолда иш олиб борди. У кундалик фаолиятини, ҳар бир тадбирини, бошлаган ислоҳотларини ислом шариати талабларига мувофиқ бўлишини қаттиқ назорат қиласар, бекиёс ҳокимиятга эга бўлган подшоҳлигидан динни тарғиб қилишда фойдаланар эди.

Ўз навбатида. динга кенг йўл очилиши, унинг аҳкомларига қатъий риоя этилиши мамлакат равнақига, давлатни одилона бошқаришга катта имкониятлар очиб берарди. Аврангзеб мусулмонларнинг бош шаҳарлари Макка, Мадина ва бошқа муқаддас марказларни доимо қўллаб-қувватлаб турди. Аврангзеб ҳукмронлик қилган салтанат дунё мусулмонларининг ишончли таянчларидан бири сифатида хизмат қилди.

Мирбобо Нақшбандий ва бошқа нақшбандия тариқати вакиллари, шайхларни бобурий ҳукмдорлар ўзларига маънавий пир деб билганлар. Уларнинг юксак салоҳиятидан баҳраманд бўлганлар. Қодирия тариқати намояндаси, бобурийзода Дорошукуҳнинг устози Мулло Сироҳ Бадахший, нақшбандия тариқатида Мирбобо Нақшбандийнинг устози бўлган Мир

Сайфуддин, ўз даврининг уламоси, Мулло Азизуллоҳ Исфаҳонийлар билан ҳамнафас яшаб, уларнинг ижодидан баҳраманд бўлган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001 . – 120 б.
2. Маҳдуми Аъзам. Рисолаи Бобурия. // Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 188 б.
3. Низомиддинов Н.Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. – Тошкент: 2008.
4. Тошкент ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. Тасаввуф тариқатлари. – Тошкент, 2016. – 190 б.